**Абдурахмонов Жахонгир Мухамадали ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Абдухаликова Жумагул** — Янгиобод туманидаги «Янгиобод агро пилласи» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Жиззах вилояти

**Абидов Амир Илгизович** — Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар илмий-технологик маркази лаборатория мудири, Тошкент вилояти

**Азимбаев Эркин Тулкинович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Азимов Рустам Рашидович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Аитбаев Шерзод Азадович** — Тўрткўл туманидаги «Тўрткўл тупроғи» оилавий корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Алимбеков Ботир Боходирович** — Чиноз тумани ҳокими, Тошкент вилояти

**Алимов Азиз Тоирджанович** — Юқори Чирчиқ туманидаги «Юқори Чирчиқ металл инвест» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент вилояти

**Алланазаров Санжар** — Шеробод туманидаги «Сардорбек Султонбек Самир Далер» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Арзиев Норбек Рустамович** — Навоий шаҳридаги «Sensorika» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

**Атаджанова Гулнара Гафуровна** — Юнусобод туманидаги «Мумтоз сервис» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Ахадов Сарвар Саиджахонович** — Тошкент шаҳридаги «Texnopark» масъулияти чекланган жамияти директори

**Ахмади Дэйл Фаридун** — «Novda Edutainment» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Ахмедов Акмал Шамурадович** — Самарқанд шаҳридаги «Sam-Ferre» хусусий корхонаси директори, Самарқанд вилояти

**Ахмедов Олимжон Валиевич** — Фарғона туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, асаларичи, Фарғона вилояти

**Ачилдиев Мустафакул Жураевич** — Ангор тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Сурхондарё вилояти

**Ачилов Муроджон Азаматович** — Гурлан тумани ҳокими, Хоразм вилояти

**Аширов Ёқуббой Хужамуратович** — Амударё туманидаги «Ёқуббой Аширов» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ашуров Каримжон Муминович** — Қува туманидаги «Ашуров Мўминжон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Бабабеков Бахадир Мажитович** — Сайхунобод тумани ирригация бўлими етакчи муҳандис-гидротехниги, Сирдарё вилояти

**Бабажонов Низомжон Атажонович** — «Устюрт қидирув-бурғилаш бошқармаси» масъулияти чекланган жамияти бурғилаш устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Баратов Хасан Алимбоевич** — «Самарқанд автомобиль заводи» қўшма корхонасининг пайвандлаш цехи катта мутахассиси, Самарқанд вилояти

**Бафоев Зокир Сайидович** — Ғиждувон туманидаги «Ғиждувон техстройпрогресс плюс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Бахронов Дамиржон Равшанович** — Самарқанд шаҳридаги «Azia metall prof» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Бахшиллаева Мубашира Абдулаевна** — Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Бухоро шаҳар маркази раҳбари, Бухоро вилояти

**Бектурдиев Машарип Сапоевич** — Оролбўйи дала гидрогеология экспедицияси бурғилаш қурилмаси машинисти, Хоразм вилояти

**Бобаев Зоҳиддин Мардонович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг «Мурунтоғ» кони экскаватор машинисти, Навоий вилояти

**Бобоев Ойбек Мирзарахимович** — Қибрай туманидаги «Elite Konstruktion Optima» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

**Бобомуродов Эшбой Амирқулович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Хандиза» кон бошқармаси участка машинисти, Сурхондарё вилояти

**Бозоров Элбой Хасанович** — Жомбой туманидаги «Sag Agro» масъулияти чекланган жамияти муҳандис-биотехнологи, Самарқанд вилояти

**Гайпов Аскербай Сарсенбаевич** — «Қонликўл агросервис машина-трактор парки ва интеграллаштирилган сервис маркази» масъулияти чекланган жамияти «Магнум» оператори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ганибаев Маъмуржон Жангабаевич** — «Устюрт қидирув-бурғилаш бошқармаси» масъулияти чекланган жамияти директорининг геология ишлари бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Даминов Азиз Абдусаттарович** — Учқўрғон туманидаги «DB Group Eco» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Джанпулатов Омаджон Захитжанович** — Хонобод шаҳридаги «Dolomid» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Джумаев Тимур Тахирович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Джумаев Шерзод Шониязович** — Навбаҳор туманидаги «Навбаҳор текстиль» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Навоий вилояти

**Джураев Улуғбек Шакиржанович** — Термиз шаҳридаги «Сурхон нафаси» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сурхондарё вилояти

**Дониёров Неъмат Равшанович** — Хатирчи туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Навоий вилояти

**Жаббарова Сожида Хайдаровна** — Булунғур туманидаги «Paradise Garden of Paulownia» масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси, павлония кўчати етиштирувчиси, Самарқанд вилояти

**Жакбарова Малохатхон Иброхимовна** — Бўстон тумани ободонлаштириш бошқармаси ҳудуд тозаловчиси, Андижон вилояти

**Жиемуратов Тлеубай Тенелбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг Мўйноқ тумани инспекцияси бошлиғи

**Жумаев Нурмат Хасанович** — «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» масъулияти чекланган жамиятининг хом ашё ва тайёр маҳсулотлар цехи машинисти, Бухоро вилояти

**Жуманазаров Ислам Сатиболдиевич** — Тупроққалъа туманидаги «Музаффар кулол» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Ибрагимов Фархад Заирович** — «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки дирекцияси — IT Park» масъулияти чекланган жамияти директори

**Ибрагимова Айшахон Маруфовна** — Ёзёвон туманидаги «Yozyovon Silk Vats» пиллачилик кластери раҳбари, Фарғона вилояти

**Ибрагимова Одина Журабаевна** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси механика таъмирлаш цехи токари

**Игамбергенов Кудратбек Кадамбаевич** — Хоразм вилояти ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

**Исламов Шахзод Захидович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Исматов Диёржон Хайруллоевич** — Зарафшон шаҳридаги «Modern Trading Service» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

**Исомудинов Авазбек Хабибиллаевич** — Пахтаобод туманидаги «Эргашбой ота Абдулло» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Исроилов Абдумалик Шокирович** — «Milk Foods Trade» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Йўлдашев Мўйдинжон Кобилович** — Бувайда тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Фарғона вилояти

**Каримов Анвар Расулович** — Сирдарё вилояти ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

**Каримов Бозорбой Рахимович** — Хива туманидаги «Валико плюс» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Катаев Баходир Хидирович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Катаев Қўши Адизович** — Ромитан туманидаги «Romstar» қўшма корхонаси иш бошқарувчиси, Бухоро вилояти

**Каюмов Акбарали Косималиевич** — Самарқанд шаҳридаги «Нурли келажак ишонч сервис» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Каюмова Мухаббат Мунимовна** — «Савдоэнерго» акциядорлик жамияти бош директори

**Кичкинаев Дилшод Бегназарович** — Қарши шаҳридаги «Қашқадарё махсус қурилиш дизайн» шуъба корхонаси директори, Қашқадарё вилояти

**Кодиров Олимжан Баратуллаевич** — Жиззах шаҳридаги «Diamond» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

**Кохоров Шавкат Сатторович** — «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг аммиак ишлаб чиқариш цехи аппаратчиси, Навоий вилояти

**Куватов Журъатбек Дилшадбекович** — Андижон шаҳридаги «Макро Фарм Андижон» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Курбанов Улугбек Учкунович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Мавлонов Сирожиддин Журақулович** — «Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси» масъулияти чекланган жамияти пармалаш устаси, Бухоро вилояти

**Мадрахимов Адахамжон Турсунович** — Хўжаобод тумани ҳокимининг ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, Андижон вилояти

**Мамадиёров Эркин Қаршиевич** — меҳнат фахрийси, Қашқадарё вилояти

**Мамасобиров Шарофитдин Хушназарович** — Олтинсой туманидаги «Graf Almas» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Маматалиев Руслан Ахмаджонович** — Уйчи туманидаги «Сифат кафолат стандарт сервис» хусусий корхонаси раҳбари, Наманган вилояти

**Мамуров Азиз Амонович** — Бухоро шаҳридаги «Orient House Invest Stroy» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Маҳмудов Мансур Убайдуллоевич** — Пешку туманидаги «Хастанапур наслли чорвадор» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Машарипов Отахон Каримберганович** — Хива шаҳридаги «Чинобод қурилиш» хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

**Машарипов Шоназар Жуманазарович** — «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг кредит қарздорликлари билан ишлаш департаменти директори

**Мираширова Назира Абдуахатовна** — Гулистон туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Сирдарё вилояти

**Мирзаалимов Рахматулло Номанджанович** — Андижон шаҳридаги «WBM Textile Group» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Мисирова Дилрабо Турсунбоевна** — Гулистон шаҳридаги «Омадли аёллар» ишлаб чиқариш кооперативи директори, Сирдарё вилояти

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

**Муминов Ботир Маматович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Муминов Зиёвиддин Фахритдинович** — Наманган шаҳридаги «The Lider Textile Industry» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича директори, Наманган вилояти

**Муртазаев Отабек Астанаевич** — «Шўртан газ кимё мажмуаси» масъулияти чекланган жамиятининг этилен ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Мусабаев Алишер Косимович** — Шеробод туманидаги «Шеробод анор импекс» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сурхондарё вилояти

**Мухторхонов Нуритдин Комолидинович** — Паркент туманидаги «Agro Star Expo» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

**Назарова Гулчехра Кабиловна** — «Тошкент халқаро аэропорти» масъулияти чекланган жамияти диспетчери

**Наралиев Эркинбек Абдулажанович** — Қўрғонтепа туманидаги «Соҳиб омад баракаси» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Наримов Умиджон Матқурбонович** — Миллий массмедиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг лойиҳалар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси

**Насиров Мурод Рашодович** — «Навбаҳор саноат» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Насретдинова Насиба Иркиновна** — «Алоқабанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раисининг ўринбосари

**Низамов Алишер Арифович** — Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бўлим раҳбари

**Ниязова Хилола Акрамовна** — «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи

**Одилов Мухаммаджон Зокиржон ўғли** — Наманган шаҳридаги «Панда саноат савдо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Оманов Абдушкур Овчиевич** — Китоб тумани ҳокимининг ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Орипов Анвар Хомитович** — Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи

**Остонов Акмал Анварович** — Қоровулбозор тумани ҳокими, Бухоро вилояти

**Отажонов Муроджон Урмонович** — Ўзбекистон туманидаги «Ўрмонобод» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Отахонов Қахрамонжон Қобулжонович** — «Grand farm trade» компаниясининг Андижон вилояти ҳудудий филиали раҳбари

**Очилов Ғолиб Ражаббоевич** — Жондор туманидаги «Agro Trade» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Пардаев Жамшид Музаффарович** — Термиз шаҳридаги «Complex Technical Services» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сурхондарё вилояти

**Пармонов Даврон Садатович** — Қарши шаҳридаги «Шарқ улкан капитал бизнес» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

**Позилов Аюбхон Алихужаевич** — Қўқон шаҳридаги «Euro Print Kokand» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Пулатов Шухрат Абдужаббарович** — Мирobod тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

**Пулотов Шерали Давлатович** — Ромитан тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари — Газли шаҳар ҳокими, Бухоро вилояти

**Раззаков Алишер Хуразбаевич** — Зарбдор туманидаги «Акбар Шаҳзод» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Рахимов Анвар Хасанжонович** — Наманган шаҳридаги «Dreamliner Textile» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

**Рахманов Абдулла Сафарович** — Жарқўрғон туманидаги «Ифтихор мелиорация» масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари, Сурхондарё вилояти

**Рахматуллаева Феруза Гайдулаевна** — Шайхонтоҳур туманидаги «Янги Белтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Раҳматов Лазиз Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Рашидова Гулзода Атахановна** — Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раисининг ўринбосари

**Розвезев Денис Валерьевич** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Рузибаев Нодирбек Хамидуллоевич** — Марғилон шаҳридаги «Golden Valley Fasteners» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Рузиев Комил Исмоилович** — Қоракўл туманидаги «Муҳаббат хайри саховат» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

**Рустамов Эркин Эркамович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Сабиров Куралбай Пердебаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Қўнғирот йўл масофаси йўл устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Садиев Равшан Давранбекович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Ховос темир йўл масофаси йўл созловчиси, Сирдарё вилояти

**Садинов Хабиб Эргашевич** — Пахтачи туманидаги «Мадина савдо белгиси» хусусий корхонаси директори, Самарқанд вилояти

**Сайдуллаев Шукурулло Хабибуллаевич** — Қўштепа туманидаги «Шукрдавлат» хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Сайфутдинов Анвар Назарович** — Яккасарой тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

**Саксанов Абдикарим Юлдашович** — Навбаҳор туманидаги «Саксонов» масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори, Навоий вилояти

**Салихов Хусан Равшанович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Самадов Шукрат Жўрақулович** — Нарпай тумани ҳокимининг ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Санаев Шерали Чориевич** — Миришкор тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

**Севаров Бекзод Насимович** — «Uzbekistan GTL» масъулияти чекланган жамиятининг цех муҳандис-технологи, Қашқадарё вилояти

**Сувонов Тўйчибой Ғаниевич** — «Кўприкқурилиш тресті» унитар корхонасининг 13-кўприкқурилиш отряди бетончиси

**Султанов Рустам Давранович** — «Glass Expo» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Таджибаев Баходир Тулкунович** — Тошкент шаҳридаги «4-автобус саройи» масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси

**Таджиддинов Айбек Таджимуратович** — «Устюртгаз» қазиб чиқариш бошқармасининг «Шарқий Бердах» участкаси устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Танирбергенов Муратбек Манибекович** — Нукус шаҳридаги «Муратбек-мебель» масъулияти чекланган жамияти бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Туйчиев Самандар Турсунбаевич** — Поп тумани Чоркесар қишлоғидаги чўпон, Наманган вилояти

**Тўлиев Юсуб Қўзиевич** — Урганч туманидаги «Урганч тумани МТП» масъулияти чекланган жамияти «Магнум» оператори, Хоразм вилояти

**Турабов Рустам Хакимжонович** — «Uzbekistan airways» акциядорлик жамияти «Боинг» учувчилар отряди командири ўринбосари

**Турсунов Азамат Гаппорович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Турсунов Бердимурат Тухтасинович** — «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти бош мутахассиси

**Уктамов Ахроржон Уктамович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Ёшлик-1» кони тоғ-кон транспорти комплекси бош муҳандиси, Тошкент вилояти

**Усманов Акмал Хамидуллаевич** — Наманган туманидаги «Келажак Мега Строй» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

**Файзуллаев Хайрулла Илҳамович** — «Enter Engineering Pte. Ltd.» компаниясининг саноат ва фуқаролик объектларини қуриш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Фарманов Зиёдулло Рустамович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Салор темир йўл масофаси темир йўл устаси

**Хабибуллаев Бахитжан Сагидуллаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири

**Хаджиханов Борийхон Абирханович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Хайдаров Шокир Валерьевич** — Бекобод туманидаги «Green Agro Food» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент вилояти

**Хайруллаев Лутфулло Ахатович** — Навбаҳор тумани ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Навоий вилояти

**Хаитмуродов Бекзод Набиевич** — «O'zguven Mimarlik Inshaat» масъулияти чекланган жамияти кран машинисти, Тошкент шаҳри

**Хакимов Джамшид Юсупович** — Арнасой туманидаги «Arnasoy Gold Tex» қўшма корхонаси таъсисчиси, Жиззах вилояти

**Халилов Умарбек Яхшимуродович** — Нурота тумани ҳокими, Навоий вилояти

**Халимов Ахрор Кодирович** — Наманган шаҳридаги «Мусаффо полимер» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Ҳамрохўжаев Темур Хайрулла ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Холиков Жамшид Камолович** — «Шаҳрисабзфарм» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Холматов Комол Шерматович** — Фориш туманидаги «Буюк Жавоҳир тимсоли» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Холмуродов Комил Адхамович** — Жиззах шаҳар ҳокими, Жиззах вилояти

**Худайберганов Шокиржон Қодамбаевич** — Урганч туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Хоразм вилояти

**Хўжанов Атабек Облақулович** — «Кўприкқурилиш тресті» унитар корхонасининг 67-кўприкқурилиш отряди темир-бетон конструкциялари монтажчиси

**Хусанова Мухтабар Акбаровна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

**Чаришникова Оксана Станиславовна** — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази лаборатория мудири

**Шерматов Улуғбек Убайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Шукуров Ориф Жумабаевич** — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Жиззах вилояти Кенгаши раиси

**Эшматов Сафарали Эралиевич** — «Гидромахсусқурилиш» акциядорлик жамиятининг «Қуйи Чотқол» қурилиш участкаси бурғиловчиси

**Эшмуродов Ғофур Шерматович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Юсупов Азиз Кохраманович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Ёшлик-1» кони «БелАЗ» ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

**Юсупов Носир Фатихович** — Булунғур туманидаги «Bulungur-Sandvik» агрофирмаси раҳбари, Самарқанд вилояти

**Юсупов Тенизбай Кокленович** — Бўзатов туманидаги «Бўзатов» давлат ўрмон хўжалиги чўпони, Қорақалпоғистон Республикаси

**Якуббоев Одилжон Обиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Яқубов Бахрамбек Бобожонович** — «UzAuto Motors» акциядорлик жамиятининг Хоразм вилояти филиали йиғув цехи бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 25 август

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Руминия билан икки томонлама амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Бу, аввало, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, тўқимачилик, кимё ва фармацевтика тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида кооперацияни йўлга қўйишдир.

Шу муносабат билан Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг биринчи йиғилишини ўтказиш, мулоқот ва алмашинувларни, шу жумладан, ташқи сиёсий идоралар даражасида фаоллаштириш таклиф этилди.

Халқаро ташкилотлар ва Европа Иттифоқи билан мулоқот доирасида Руминия билан ҳамкорлик қилишга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда.

Польша Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли анъанавий ҳамкоридир. Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — Польша ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи билан кўп томонлама мулоқот ва Вишеград гуруҳи доирасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда, икки мамлакат қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, кичик бизнес ва инновациялар, таълим ва туризм каби соҳаларда ҳали ишга солинмаган катта салоҳиятга эга.

Ўзбекистон етакчиси бўлажак олий даражадаги мулоқотлар амалий шерикликни кенгайтиришга қўшимча суръат бағишлашини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Тожикистоннинг дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларида сезиларли юксалишга эришилганини мамнуният билан қайд этди.

Бунга икки биродар мамлакат етакчиларининг мунтазам учрашувлари ва сиёсий иродаси хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил июнь ойида Тожикистон Республикасига тарихий ташрифи якунида эришилган келишувлар ва аниқ кооперация лойиҳаларини тўлиқ ҳажмда амалга ошириш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Швейцария билан муносабатлар истиқболига тўхталар экан, Ўзбекистон Президенти сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ва биргаликдаги иқтисодий лойиҳаларни илгари суриш муҳим эканини таъкидлади.

Банк-молия соҳаси, инновациялар ва замонавий технологиялар, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, Оролбўйидаги вазиятни яхшилаш учун молиявий-техник кўмак дастурларини кенгайтириш устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

Ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолияти доирасидаги амалий шерикликнинг янги кун тартибини ишлаб чиқиш муҳим экани қайд этилди.

Ўзбекистон Германия билан кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш ва стратегик шерикликни мустаҳкамлашдан манфаатдор.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олий даражадаги мунтазам мулоқотлар Ўзбекистон — Германия муносабатларида янги босқич бошланганидан далолат беради.

Глобал иқтисодий инқироз оқибатларига қарамай, ўзаро савдо ҳажми, Германиянинг етакчи компаниялари иштирокидаги қўшма кооперация лойиҳалари сони ортмоқда.

Бундан ташқари, республикамизда "KfW" банки, Германия савдо-саноат палаталари уюшмаси ҳамда Кичик ва ўрта бизнес бирлашмаси офислари ўз фаолиятини муваффақиятли бошлагани қайд этилди.

Ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларнинг фаоллашиши икки томонлама иқтисодий ҳамкорликнинг улкан салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сўзини якунлар экан, дипломатик ваколатхоналар раҳбарларига уларнинг Ўзбекистон Республикаси билан дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги масъулиятли ва шарафли фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.

Қисқа суҳбатда дипломатлар самимий қабул ва мамлакатимиздаги самарали фаолиятига яратилган шароитлар учун миннатдорлик билдирдилар. Элчилар мамлакатларимиз ўртасидаги шериклик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш учун бор куч-ғайратини сафарбар қилишини қайд этдилар.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА ТУРИЗМ СОҲАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Белгилансинки, **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб**:

**2021 йил 31 декабрга қадар** умумий овқатланиш корхоналари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинади;

**2023 йил 1 сентябрга қадар** туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади.

2. **Умумий овқатланиш корхоналарига** маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормасдан туриб, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва йиғимлар бўйича **2021 йил 15 август ҳолатига кўра мавжуд қарздорликни**, шунингдек, барча солиқлар бўйича жарима ва пеняларни **2022 йил 1 январдан 1 июлга қадар** фоизларни ундирмасдан тенг миқдорларда **кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилсин**.

3. Тижорат банкларининг умумий овқатланиш соҳасида хизмат кўрсатувчи мижозларини молиявий соғломлаштириш учун банк хизматларининг турли хил инструментларидан фойдаланиб, уларни қўшимча қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Молия вазирлиги **бир ой муддатда** мазкур қарордан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 25 август

# БУГУНИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ



*Куни кеча Президентимиз Фармонига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини ошириш, Ватанимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги катта хизматлари, сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда жадаллик билан олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнидаги ташаббускорлиги, давлат ва халқ манфаатлари йўлидаги фидокорона меҳнати, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маънавий соҳалардаги кўп йиллик самарали ва ибратли фаолияти, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун тўрт нафар юртдошимизга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилди.*

*Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида мазкур хушхабар бу инсонлар учун энг улуғ, энг азиз байрамга муносиб туҳфа бўлди. Буни уларнинг қуйидаги дил сўзларидан яққол билиш мумкин.*

## Дил сўзи

### Машаққатли меҳнатларимизнинг катта эътирофи

**Муҳаммад АҲМЕДОВ,**
**Бухоро туманидаги "Маданият Муҳаммад Исмат" фермер хўжалиги бошлиғи:**

— Мукофотланганим ҳақида эшитиб, қувончдан қароқларим намланди, ўтган ҳаёт йўлим кўз олдимда жонланди. Умримнинг салкам қирқ йили деҳқончилик билан ўтяпти. Узоқ йиллар хўжалик раҳбари бўлиб ишладим. Айни дамда фермерман. Шу билан бирга, вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича маслаҳатчиси сифатида деҳқонларимиз билан бамаслаҳат, ўзаро тажриба алмашиб ишлаб келяпмиз.

Жорий йилда 74 гектар майдондаги ғалладан мўл ҳосил олдик. 122 гектар ердаги ғўзага ҳам меҳримизни бериб парвариш қиляпмиз. Ҳосил чўғи баланд. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб пахта олишимизга ишончим комил.

Сизга ёлғон, менга чин, далаларимизнинг файзи бор. Бир кун тугул, бир соат кўрмасам, даламни соғиниб қоламан. Бундан тўрт-беш йилча муқаддам бир гуруҳ хорижий сармоядорлар пахтазорларимизни, дала шийпонимизни кўриб, "Сиз жаннатда яшар экансиз", дейишгани ёдимда. Ўшанда уларга "Йўқ, биз жаннат ичидаги жаннатда яшаймиз. Ахир Ўзбекистоннинг ўзи жаннат-ку" дея жавоб бергандим.

Дарҳақиқат, юртимиз — ҳақиқий жаннатнинг ўзи. Аллоҳ назари тушган заминда яшаяпмиз. Мен бир умр шу заминга, аждодларимиз ардоқлаб ўтган ерга меҳру муҳаббатимни бериб, билимим, куч-ғайратимни сарфлаб, кам бўлмадим. Эл-юртда обрў-эътибор топдим. Фарзандларимга, набираларимга, юртдошларимга ўрнак бўлиб, Ватанимизга хизмат қилаётганимдан хурсандман. Камтарона меҳнатим давлатимизнинг юксак мукофотига лойиқ кўрилгани қадоқ қўлли деҳқонларимизнинг заҳматли, машаққатли меҳнатларига берилган жуда катта баҳо, деб биламан. Шу билан бирга, бу менга, бухоролик деҳқонларга билдирилган юксак ишонч, масъулият ҳамдир. Парвардигор берган умрни она Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, қишлоқ хўжалиги равнақи йўлида сарфлайман.

### Давлатимизга ишонч руҳи

**Иброҳим ҒАФУРОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**адабиётшунос олим:**

— Президентимизнинг "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирлаш, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонларини ўқиб, қалбим тўлиқиб кетди. Айни дақиқаларда ҳам бутун ҳаяжонлар, кечинмалар, инсоний пок тўлқинланишлар ичида турибман, тўғриси.

Мазкур Фармонлар Президентимизнинг 2017 йилдаги "Халқимизни ҳар томонлама рози қилайлик" деган шиорининг муносиб ва мазмундор давоми, деб биламан. Халқни, зиёлиларни истиқлол учун, Ватан учун, Ўзбекистоннинг дунёдаги илғор ўрни учун ҳаракат қилаётган, интилаётган, бутун куч-қуввати, иродаси, иқтидори ва салоҳиятини шу улуғ ишга бераётган одамлар учун бу муносиб тақдирлов, муносиб мукофот бўлди, деб ўйлайман. Юртбошимизнинг, айниқса, ижод аҳли, ёзувчилар, санъаткорлар, маданият арбобларини юксак даражада ҳурмат қилиши, уларга доимий эътибор қаратиши ҳаммамизга маълум эди, бироқ эътиборни бунчалар кенг миқёсда олиши — яшаб ўтган ва ҳозирда ижод қилаётган истеъдодли ижодкорларимизнинг қадрланиши, меҳнатларининг юзага чиқарилиши, эл-юрт ичидаги шарафли ўринлари янада юксакларга кўтарилишини, тўғриси, тасаввур ҳам қилмагандик.

Буни қарангки, қанчадан-қанча ёзувчиларимизни, шоирларимизни (уларни номма-ном санаш ҳам бир қадар мушкул ҳатто), улуғлаш, уларнинг ўлмас асарлари халқимиз қўлига етиб боришида амалга оширилаётган ишларга биз ҳам муносиб жавоб қайтаришга, миллатимиз ва она Ватанимизни юксакларга кўтаришга ваъда берамиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу ишлар халқни рози қилиш йўлидаги оддий ва содда иш бўлиб кўринса ҳам, унинг замирида халқимизнинг минг йиллик орзулари, минг йиллик фалсафаси мавжуд экани аён.

Янги Ўзбекистон Ер юзида шу тариқа ишонарли, ҳар соҳада ишонч қозонган давлатга, ўзбек халқи ишонарли, қаддини тутган халққа, жаҳонда ишонч қозонган жамият ишончли маданий-ижтимоий ҳодисага айланди.

Барча юртошларимизни мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан қутлайман, бу байрам барчамиз учун қадрли, жуда катта аҳамиятга, ўринга, қимматга эга бўлган байрамдир. Ана шу байрамни ҳаммамиз юрагимизни кенг очиб, чин дилдан кутиб олмоқдамиз. Унинг шукуҳини ҳозирданоқ сезиб турибмиз.

Юртимизда кечаётган туб ўзгаришлар ҳам айни эзгу ва ҳаётбахш мақсадларга ишорадир. Халқ рози экан, биз бунга яқин йилларда тўла эришамиз. Давлатимиз Ер юзида қозонган ишонч ва мустақиллик бунга тўлиқ кафолат беради. Мустақиллик — муҳаббатимиз, эътиқодимиздир.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 29 майда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **$186^{3}$-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи – тўртинчи қисмлари таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишда қўлланилмайди»;

2) қуйидаги мазмундаги **$202^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

### «$202^{1}$-модда. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда уларни қийноққа солиш ёхуд уларга азоб бериш уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача озодликни чеклаш ёки олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **$251^{1}$-модда**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**учинчи қисмининг санкциясидаги** «беш» деган сўз «етти» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **саккизинчи бўлим**:

«**Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари билан қонунга хилоф равишда фойдаланишдаги кўп миқдор**» деган **атама** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишдаги кўп миқдор** – тегишли давлат органи томонидан белгиланади»;

қуйидаги мазмундаги **атама** билан тўлдирилсин:

«**Кучли таъсир қилувчи моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишдаги ёки таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузишдаги кўп миқдор** – тегишли давлат органи томонидан белгиланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **$39^{1}$-модда биринчи қисмининг**:

**9-банди** «доир ишлар» деган сўзлардан кейин «шунингдек электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**10-бандидаги** «шунингдек электр, иссиқлик энергияси, газ, сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **$381^{2}$-модда биринчи қисмининг**:

**2-бандидаги** «$185^{2}$» рақами чиқариб ташлансин;

**3-бандидаги** «186-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «$185^{2}$-моддасида, 186-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **72-модда**:

**номининг ўзбекча матнидаги** «**захираларини**» деган сўз «**ресурсларини**» деган сўз билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, шунингдек сув объектларига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузиш»;

2) **74-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «лимитларини бузиш, шунингдек» деган сўзлар «лимитларини бузиш, сувларнинг ҳамда сув объектларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, шунингдек» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **$79^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

### «$79^{1}$-модда. Ўсимлик дунёси объектларини йиғиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартларини бузиш

Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг техник ва доривор хомашёсини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун йиғиш ҳамда тайёрлашнинг, шунингдек ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланишнинг белгиланган тартибини ҳамда шартларини бузиш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) қуйидаги мазмундаги **$86^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

### «$86^{1}$-модда. Озон қатламига зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олишга доир талабларни бузиш

Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш, хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан озонни бузувчи моддалардан, таркибида озонни бузувчи моддалар мавжуд бўлган асбоб-ускуналар ва техник қурилмалардан фойдаланиш ҳамда уларни қўллашни тартибга солиш чораларини кўрмаслик, шунингдек озонни бузувчи моддаларнинг ҳисобини юритмаслик, уларнинг озон учун хавфсиз моддалар билан алмаштирилишини таъминламаслик, уларнинг атмосфера ҳавосига чиқарилишига йўл қўйиш, рециркуляцияни (озонни бузувчи моддалардан қайта фойдаланиш мақсадида уларни бирламчи тозалашни) амалга оширмаслик, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **88-модда**:

**биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддаларни ва қурилиш материалларини бир жойга тўплашда, ушбу моддалар ва материалларни, шунингдек ёқилғи ҳисобланмайдиган материалларни ёқишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик, махсус техник қурилмаларни қўлламасдан битумни эритиш»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **89-модда**:

**номи** «**бошқа дориларни**» деган сўзлардан кейин «**шунингдек кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни ҳамда буғланувчан бирикмаларни**» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитларни ҳамда бошқа дориларни, шунингдек кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни ва буғланувчан бирикмаларни ташиш, сақлаш, улардан фойдаланиш, уларни қўллаш ҳамда улардан бўшаган идишларни зарарсизлантириш қоидаларини тупроқнинг, сувнинг, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ёки ўсимликлар, ҳайвонот дунёси йўқ қилиб юборилишига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузиш»;

7) **96-модда**:

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

8) **111-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни уларни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қийноққа солиш ёки уларга азоб бериш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахс ҳозирлигида содир этилган бўлса ёки ҳайвонларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

9) **133-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келса, бундан жабрланувчига енгил тан жароҳати етказилишига олиб келмаган йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганда йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида хабарнома тузилган ҳоллар мустасно»;

10) **134-модданинг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситалари, йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келса, лекин анча миқдорда моддий зарар етказмаса, бундан йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келмаган йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганда йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида хабарнома тузилган ҳоллар мустасно»;

11) **$165^{1}$-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисми таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишда қўлланилмайди»;

12) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «80, 81, 82, 83, 84-моддаларида, 85-моддасида (бундан санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи, атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш мустасно), 86» деган сўзлар «$79^{1}$, 80, 81, 82, 83, 84-моддаларида, 85-моддасида (бундан санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи, атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш мустасно), 86, $86^{1}$» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **$266^{4}$-модданинг**:

**номидаги** «**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси**» деган сўзлар «**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, бўлим бошлиқлари, бош мутахассислари;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳудудий инспекцияларининг бош инспекторлари ва инспекторлари».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Нотариат тўғрисида»**ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова) **79-моддасининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарздорнинг номи ва манзили, қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **8-моддаси биринчи қисмининг 4-банди** «иш жойи» деган сўзлардан кейин «қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–155-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 99-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома** – содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида суғурталовчига хабар бериш учун йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган жойда йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан ихтиёрий равишда тўлдириладиган, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат»;

**учинчи – ўн иккинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи – ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **15-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта полиси бланкасининг намунаси, уни тайёрлаш тартиби, махсус давлат белгисининг шакли ва уни транспорт воситасига жойлаштириш тартиби, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома бланкасининг намунаси ҳамда уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

3) **19-модданинг иккинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома тузилган вақтдан эътиборан уч иш куни ичида мазкур хабарномани ушбу Қонун $20^{2}$-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган материаллар ва ҳужжатларни илова қилган ҳолда суғурталовчига тақдим этиши»;

**бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

4) қуйидаги мазмундаги **$20^{1}$** ва **$20^{2}$-моддалар** билан тўлдирилсин:

### «$20^{1}$-модда. Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тузиш учун асослар

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан ички ишлар органи ходимларининг иштирокисиз тузилади. Хабарномани тузиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидагилар асос бўлади:

йўл-транспорт ҳодисаси жабрланувчига енгил тан жароҳати етказилишига ёхуд йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келмаган бўлса;

йўл-транспорт ҳодисасида иштирокчи бўлган ҳайдовчилардан бири ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса;

йўл-транспорт ҳодисаси пиёда иштирокисиз содир этилган бўлса;

йўл-транспорт ҳодисаси иккита транспорт воситаси (шу жумладан тиркамали транспорт воситалари) тўқнашуви натижасида рўй берган ҳамда фақат ушбу транспорт воситаларига шикаст етказилган бўлса;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги йўл-транспорт ҳодисаси содир этилгунига қадар суғурта қилинган бўлса;

йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчиларда ҳайдовчилик гувоҳномаси, транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома (бундан ишончнома талаб этилмайдиган ҳоллар мустасно), йўл варақаси (қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда) мавжуд бўлиб, мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддати ўтмаган бўлса;

йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари бўлган ҳайдовчиларда мастлик ҳолати бўлмаса;

йўл-транспорт ҳодисаси натижасида транспорт воситаларининг шикастланиши ҳолатлари, шунингдек транспорт воситаларининг шикастланган қисмлари тавсифлари ва рўйхати йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари ўртасида келишмовчиликларни (низоларни) келтириб чиқармаса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослардан биттаси мавжуд бўлмаган тақдирда, тузилган йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги хабарнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда ёхуд суғурталовчи томонидан ишни кўриб чиқиш жараёнида айбдор тараф ўзгарганлиги факти аниқланган тақдирда (айбдорлик видеоёзувлар ёхуд кўрик ва (ёки) мустақил экспертиза натижалари асосида яққол намоён бўлганда) суғурталовчи йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани ва унга илова қилинган ҳужжатларни, шунингдек кўрик ва (ёки) мустақил экспертиза натижаларини (айбдор тараф ўзгарганлиги факти аниқланган ҳолларда) ўша куннинг ўзида ички ишлар органларига юборади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани кўриб чиқиш чоғида айбдор тараф ўзгарганлиги факти аниқланиши ва бошқа тарафнинг айбини тасдиқловчи материаллар ёки видеоёзувлар ёхуд ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган кўрик ва (ёки) мустақил экспертиза натижалари бўлмаганда суғурталовчининг йиғилган ҳужжатларни ички ишлар органларига юбориши суғурталовчи суғурта товонини тўлашни асоссиз рад этган деб баҳоланади.

### $20^{2}$-модда. Транспорт воситалари эгаларининг ва суғурталовчиларнинг йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тузиш чоғидаги ҳаракатлари

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиси бўлган ҳодиса содир бўлганидан кейин ҳайдовчилар томонидан дарҳол жойнинг ўзида ва икки нусхада тузилади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома ҳайдовчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилган суғурталовчиларга қуйидаги материаллар ва ҳужжатлар илова қилинган ҳолда уч иш куни ичида юборилади:

йўл-транспорт ҳодисаси жойининг (автотранспорт воситалари тўқнашган жойнинг (вазият ўзгартирилмаган ҳолдаги), транспорт воситаларининг фотосурати ва (ёки) видеоёзуви, транспорт воситаларининг шикастланган қисмларининг фотосурати ва (ёки) видеоёзуви;

ҳайдовчиларнинг суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш тўғрисидаги аризалари;

йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги ёки унга яқин жойдаги наркологик диспансерда ёхуд соғлиқни сақлаш органлари томонидан белгиланган туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасасида йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида хабарнома тузилган пайтдан эътиборан тўрт соат ичида ҳайдовчиларнинг мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширув ўтказилганлиги тўғрисидаги баённома;

йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларининг, транспорт воситалари рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек суғурта полисининг кўчирма нусхалари.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарноманинг кўчирма нусхаси суғурталовчига ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган материаллар ва ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, суғурталовчининг дастурий таъминоти (мобиль иловаси) орқали электрон шаклда юборилиши мумкин.

Ҳайдовчиларнинг мастлик ҳолатини текширувдан ўтказиш қиймати суғурталовчи томонидан мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарар таркибига киритилади.

Транспорт воситалари эгалари йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган транспорт воситаларини кўрикдан ва (ёки) мустақил экспертизадан ўтказиш учун сўров олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида суғурталовчининг сўровига кўра тақдим этиши шарт.

Транспорт воситаларининг эгалари транспорт воситаларини суғурталовчининг ёзма розилигисиз ёки суғурталовчи суғурта товонини тўлаш тўғрисида ёхуд уни тўлашни рад этиш ҳақида қарор қабул қиладиган кунга қадар таъмирлашга ёки утилизация қилишга ҳақли эмас.

Суғурталовчи йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган материаллар ва ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш календарь кун ичида суғурта товонини тўлаш тўғрисида ёки уни тўлашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Транспорт воситаларини кўздан кечириш, мустақил экспертизани ҳамда ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини белгилаш учун баҳолашни ташкил этиш ушбу модданинг еттинчи қисмида кўрсатилган муддатда, суғурталовчи томонидан амалга оширилади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида хабарнома тузилганда жабрланувчининг транспорт воситасига етказилган зарар ушбу Қонун 22-моддасининг учинчи қисмида белгиланган суғурта товони миқдоридан ошмаслиги керак. Бунда етказилган зарар миқдори йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги хабарнома суғурталовчига тақдим этилганидан сўнг ошган тақдирда, суғурталовчи суғурта суммасининг фақат ушбу Қонун 22-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлмаган қисмини суғурта товони сифатида тўлайди.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) **24-модда**:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома тузилганидан кейин тўрт соат ичида мастлик ҳолатини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтиш чораларини кўрмаган бўлса ёки йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани суғурталовчига узрли сабабларсиз ўз вақтида тақдим этмаган бўлса»;

**еттинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

**(Давоми 6-бетда).**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 5-бетда).

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар; № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова) **174-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**иккинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг экспертизасини ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш»;

**ўн биринчи хатбошидаги** «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги миссиялари ва ваколатхоналари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **178-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили), қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахслар шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами»;

2) **272-модда биринчи қисмининг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) ишда иштирок этувчи шахслар, қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек солиқ тўловчи қарздор юридик шахснинг идентификация рақами»;

3) **447-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ижро варақасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ижро варақасини берган суднинг номи;

2) ижро варақасининг қайси иш бўйича берилганлиги ва унинг рақами;

3) ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати қабул қилинган сана;

4) ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун – қарздор жисмоний шахснинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи, шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), юридик шахслар учун эса – солиқ тўловчи идентификация рақами;

5) суд ҳужжатининг қарор қисми;

6) суд ҳужжати кучга кирган сана;

7) ижро варақаси берилган сана ва уни ижрога топшириш муддати.

Суд ҳужжати асосида берилган ижро варақаси судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **145-модда биринчи қисмининг 3-банди** «яшаш жойи» деган сўзлардан кейин «жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **196-модда биринчи қисмининг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами»;

3) **337-модда биринчи қисмининг 4-банди** «яшаш жойи» деган сўзлардан кейин «қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова) **279-моддаси биринчи қисмининг 4-банди** «яшаш жойи» деган сўзлардан кейин «қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–546-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 384-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **4-модданинг**:

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) тўғрисидаги қонун лойиҳасининг экспертизасини ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш»;

**бешинчи хатбошисидаги** «замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **9-модданинг учинчи қисмидаги** «Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, солиқ ҳамда бюджет сиёсати асосий йўналишларининг лойиҳалари» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **13-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «Ҳисоб палатасининг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича» деган сўзлар «Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилган вазифалар ва ваколатлар доирасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **17-модданинг иккинчи қисмидаги** «бюджет ҳамда смета-штат интизомини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар ҳақидаги» деган сўзлар «бюджет ва смета-штат интизомининг, шунингдек давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг аниқланган бузилишлари ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **20-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«20-модда. Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси экспертизасини ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш соҳасидаги функциялари**

Ҳисоб палатаси Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси экспертизасини ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш соҳасида:

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳасининг шакллантирилишини уларнинг кўрсаткичлари асослилигини аниқлаш мақсадида, уларнинг даромадларини прогноз қилиш ҳамда харажатларни режалаштириш, қарз сиёсати ва бюджетлараро муносабатлар сифатига баҳо бериш мақсадида ўрганишни ва таҳлил қилишни амалга оширади;

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича хулоса беради»;

6) **23-модданинг номидаги** ва **биринчи хатбошисидаги** «замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **24-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги миссиялари ва ваколатхоналари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **30-модда**:

**еттинчи хатбошисидаги** «ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан» деган сўзлар «ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва ваколатлар доирасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этади»;

**ўн иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида» деган сўзлар «белгиланган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **йигирма иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади»;

9) **35-модданинг биринчи қисмидаги** «Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари параметрлари шакллантирилишини таҳлил қилиш» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси экспертизаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлили» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисми**:

**20-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – атроф-муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги, шунингдек қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

қуйидаги мазмундаги **41-банд** билан тўлдирилсин:

«41) Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси – Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

2) **9-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **$14^1$-банд** билан тўлдирилсин:

«$14^1$) давлат органлари – ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

**26-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26) Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси – Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

3) **10-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **16-банд** билан тўлдирилсин:

«16) Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси – Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган аризалар (шикоятлар) юзасидан»;

4) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **18-банд** билан тўлдирилсин:

«18) Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижасида жабрланган жисмоний шахслар – уларга ҳужжатларнинг дубликатлари, кўчирма нусхалари, нотариал ҳаракатларни рўйхатдан ўтказиш реестридан кўчирмалар берилганлиги учун»;

5) **12-модданинг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижасида жабрланган жисмоний шахслар – уларга такрорий гувоҳномалар берганлик учун»;

6) **13-модда**:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«13-модда. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда беришда давлат божини тўлашдан озод қилиш»;**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижасида жабрланган жисмоний шахслар йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келган Ўзбекистон Республикаси фуқароси идентификацияловчи ID-картаси (биометрик паспорти), Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картаси (яшаш учун рухсатномаси), Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижга чиқиш учун биометрик ҳаракатланиш ҳужжати ўрнига тегишинча шундай ID-карта, биометрик паспорт берилганлиги учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турган чет давлат фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга паспортнинг ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатнинг йўқолганлиги ҳақида маълумотнома берилганлиги учун давлат божини тўлашдан озод қилинади»;

7) **14-модда** қуйидаги мазмундаги **$9^1$-банд** билан тўлдирилсин:

«$9^1$) Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижасида жабрланган жисмоний шахслар уларнинг йўқолган ҳужжатларини ёхуд қонунчилик ҳужжатларида белгиланган, яроқсиз ҳолга келган, муайян фактни тасдиқлайдиган ҳужжатларини тиклаш чоғида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан ушбу ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари, дубликатлари ҳамда уларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотномалар талаб қилиб олинганда».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**14-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 2-банди, 3-моддасининг 1 – 10 ва 12-бандлари, 6-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 25 август
№ ЎРҚ—711

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси бугун — 2021 йил 26 август куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида видеоконференцалоқа тарзида ўз ишини бошлайди.

### Хушхабар

## ҲАМЮРТИМИЗ XVI ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ СОВРИНДОРИ

*Шу кунларда Япония пойтахти Токио шаҳрида XVI паралимпия ўйинлари бўлиб ўтмоқда.*

Нуфузли мусобақанинг дастлабки кунидаёқ ҳамюртимиз Ислам Асланов бронза медални қўлга киритди. Парасузиш беллашувларида 100 метр масофага баттерфляй усулида сузиш мусобақасида маррага 3-бўлиб етиб келди.

XVI Паралимпия ўйинларида 162 давлатдан 4 минг 400 нафар матонат ва ирода тимсоли ҳисобланган параспортчилар иштирок этмоқда. Улар орасида 48 нафар вакилимиз бор. Ҳамюртларимиз спортнинг 8 тури бўйича 55 йўналишда совринли ўринлар учун кураш олиб бормоқда.

Паралимпия ўйинлари 5 сентябрга қадар давом этади.

**Фазлиддин АБИЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Олий Мажлис Сенати ялпи мажлиси олдидан**

# ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Бугун Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Ундан ислоҳотларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва бошқа долзарб масалалар ўрин олган. Улар дастлаб парламент юқори палатаси қўмиталарида муҳокама қилинди.*

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилишида аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш жараёнида юзага келаётган муаммолар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридаги вазифалар асосида соҳада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, югуриш, юриш, велоспорт, бадминтон, стритбол, Workaut ва бошқа спорт турлари бўйича жами 56 мингдан зиёд оммавий спорт тадбирлари ўтказилиб, уларга 4 миллион 700 минг аҳоли жалб қилинган.

Ёпиқ спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш мақсадида таълим муассасаларининг 5 минг 359 та спорт зали инвентаризациядан ўтказилиб, шундан 4 минг 235 тасида дарслардан сўнг аҳолининг спорт билан шуғулланиши учун имконият яратилган. Натижада бир кунда 473 мингдан зиёд кишиларни спортга жалб қилиш имкони пайдо бўлди.

Тадбирда ушбу ютуқлар билан бирга, айрим камчиликлар ҳам борлиги айтиб ўтилди. Масалан, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш ҳисобини юритишнинг аниқ мезони йўқлиги туфайли жойларда бу борадаги кўрсаткичларни реал баҳолаш имкони мавжуд эмас. Айрим ҳудудларда бир марталик оммавий спорт тадбирларига жалб қилинган аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчилар рўйхатига киритиш орқали қамров кўрсаткичларини ошириш ҳолатлари кузатилмоқда.

* * *

Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси йиғилишида Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти дастлабки тарзда эшитилди.

Унда келтирилганидек, мамлакатимизда кадастр соҳасини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида 2020 йил 7 сентябрда “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатда соҳани илғор тажриба асосида ислоҳ қилиш, янгича бошқарув тизимини жорий этиш, ер ҳисобини тўлиқ юритиш ва рақамлаштириш бўйича комплекс вазифалар белгиланган. Янги тизимга кўра, Кадастр агентлиги Солиқ қўмитаси таркибида ташкил этилди.

Кадастр агентлиги томонидан соҳани рақамлаштириш борасида “Дата-центр” ишга туширилган, ўзаро интеграция қилинмаган “Давреестр”, “Кўчмас мулк”, “Кўчмас мулк-3” ахборот тизимлари ўрнига Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими” яратилди.

Натижада кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ер ва ердан фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотлар, ер участкасининг чизмаси ва чегарасини ягона ахборот тизимида амалга ошириш борасидаги ишлар йўлга қўйилди.

Ягона ахборот тизимида қишлоқ хўжалиги ерларини электрон шаклда давлат рўйхатидан ўтказиш амалиёти жорий этилиб, 90 мингдан ортиқ фермер хўжаликларининг аниқ жойи, чизмаси ва чегараси электрон харитага киритилган. Кадастр агентлиги ташкил этилгандан буён 354 мингта қўшимча объект аниқланган ва кадастр базасидаги объектлар сони 7,9 миллионтага етказилиб, бюджетга 468 миллиард сўм қўшимча маблағ туширилган.

Ўтказилган таҳлил ва ўрганишлар агентлик фаолиятида тизимли камчилик ва ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳамда тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, қонунчилик ҳужжатлари билан Кадастр агентлиги томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифалар ижроси етарли даражада таъминланмаганлиги оқибатида қатор муаммолар вужудга келган.

Шунингдек, тадбирда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ёки ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш муаммосига ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, қонунчиликда уй-жойга эгалик қилиш ва уни қуришнинг механизмлари мавжуд бўлишига қарамасдан, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида якка тартибда уй-жойни ноқонуний барпо этиш ҳолатлари ҳамон кузатилмоқда. Кадастр базасида давлат рўйхатидан ўтмаган 2 миллион 746 мингдан зиёд кўчмас мулк объектларининг эгалик ҳуқуқи белгиланмаган.

Йиғилишда янги тизим асосида ишни ташкил этиш учун биринчи галда ер ҳисобини жойига қўйиб, тўлиқ шакллантириш зарурлиги таъкидланди. Сенаторлар кадастр соҳасида жамоатчилик эътирозига сабаб бўлаётган ҳолатларнинг олдини олиш учун тизимли ишларни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирди.

* * *

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг йиғилишида 6 та масала, шу жумладан, 3 та қонун кўриб чиқилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгартишларга алоҳида эътибор қаратилди. Унга кўра, бўш судьялик лавозимларига номзодларнинг танлов жараёнларини интернет тармоғи (жумладан, веб-сайт) орқали ёритиб боришни йўлга қўйиш, судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш назарда тутилмоқда.

Қонунда Судьялар олий кенгаши аъзолари қаторидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари чиқариб ташланмоқда.

Шунингдек, тадбирда сенаторлар томонидан суд тизимида “E-XSUD” ахборот тизими жорий этилган бўлса-да, қонун ва қонуности ҳужжатларини тартибга солиш, уларда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгича ташкил қилиш юзасидан 5 та кодексга киритилаётган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар муҳокама этилди.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Шунингдек, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини вақтида таъминлаш ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлаш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

* * *

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2021 йил биринчи ярмидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Тадбирда Ташқи ишлар вазирлиги 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”-да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича фаолият олиб боргани таъкидланди.

Ташқи ишлар вазирлигининг фаол иштирокида 2021 йилнинг биринчи ярмида давлат раҳбарининг 40 дан ортиқ ташрифлари, шунингдек, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлари ташкил этилди. Икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар вакилларининг хорижий мамлакатларга 125 та ташрифи уюштирилди.

Вазирлик томонидан хориждаги дипломатик ваколатхоналар билан биргаликда ҳисобот даврида жами 411,5 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномалари тузилди, 88,27 миллион долларлик беғараз техник ёрдам ва грантлар жалб этилди.

Маҳаллий маҳсулотлар экспортини янада самарали тарғиб қилиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун 706 та тадбир ва тақдимот ўтказилди, хорижий оммавий ахборот воситаларида 719 та материал чоп этилди.

Кўрилган масалалар бўйича Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАРГА ЮКСАК ДАРАЖАДАГИ ЭЪТИБОР ВА МУНОСАБАТ МАВЖУД»

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказган очиқ мулоқоти хорижий ишбилармон доиралар вакиллари томонидан ҳам олқишланмоқда.*

## «Халқ сўзи» учун махсус

**Али Баклан, Ўзбекистоннинг Бурса шаҳридаги (Туркия) фахрий консули, «Baktat Gida» компанияси бошқарув кенгашининг раиси:**



— Мен уч йилдан бери Ўзбекистонга мунтазам бориб келаман. Шу муддат оралиғида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида улкан ўзгаришлар бўлаётганини ўз кўзим билан кўришга муяссар бўлдим.

Яқинда Ўзбекистон раҳбари мен каби тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиб, уларнинг муаммолари, савол ва таклифларини ўрганагани ҳолда тезкорлик билан тегишли мутасаддиларга топшириқ ва вазифалар берганини кўрдик. Бу ҳолатнинг ўзи ҳам Ўзбекистонда тадбиркор ва ишбилармонларга бўлган эътибор ва муносабатнинг нақадар юксак даражада эканидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида гўзал мамлакатингиз том маънодаги янгиланишлар ва ўзгаришлар давлатига айланди.

Кўпгина юртларда бўлганман, бошқа мамлакатларда ҳам бизнесимни йўлга қўйганман. Аммо Ўзбекистонда шахсан Президентнинг ўзи инвесторларга эътибор қаратиб, қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар бериши мени ҳайратга солди. Жойларга ташрифлар давомида Президентнинг тадбиркорлар лойиҳалари билан шахсан танишиши бизнес вакилларига руҳ бағишламоқда.

Тадбиркорлар билан ўтказиладиган учрашув ҳақидаги хабарни бир ой аввал эшитган эдик. Ва ҳақиқатан ҳам ушбу тадбирда Ўзбекистон Президенти ишбилармонларнинг йўлини кенг очиш, кредит, ишлаб чиқариш, баъзи соҳалардаги яккаҳокимликка барҳам бериш йўналишларида ўта муҳим масалалар юзасидан кўрсатмалар берганига гувоҳ бўлдик.

Бугунги кунда компаниямиз Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида икки минг гектар майдонда органик мева-сабзавот маҳсулотлари ва лаванда гули етиштириш бўйича лойиҳани амалга оширмоқда. Биз иш жараёнида Ўзбекистон етакчисининг тадбиркорларга муносабатини қуйи бўғинларда ҳам ҳис қиляпмиз. Маҳаллий ҳокимликлар, божхона идоралари, бошқа давлат ташкилотлари биз каби инвесторларга барча масалада ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Биз, инвесторлар Президент Шавкат Мирзиёев томонидан кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликни беҳад қадрлаймиз, янги Ўзбекистон тараққиётига ўзимизнинг камтарона ҳиссамизни қўшишга интиламиз.

**Пол Клеистерли, нидерландиялик тадбиркор:**



— Узоқ йиллар давомида Нидерландияда бизнес билан шуғулландим, банк ва инвестиция компанияларида юқори лавозимларда фаолият юритдим, Ғарбий ва Шарқий Европа, АҚШ ва Яқин Шарқда тадбиркорлик қилдим. Менинг фаолиятим, асосан, давлат буюртмалари бўйича лойиҳаларга ихтисослашган. Бугун янги имкониятларга интиляпман. Жумладан, жойларда шифохоналар, поликлиникалар, бизнес офислар, аэропорт инфратузилмаси, меҳмонхоналар, туражой мажмуалари қуриш лойиҳалари қизиқиш уйғотмоқда.

Умид қиламанки, Ўзбекистон билан кўплаб соҳаларда ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни йўлга қўя оламиз.

Ўзбекистон Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотидан жуда таъсирландим. Ҳақиқатан ҳам бу тадбир мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш бўйича ўта муҳим воқеа бўлиб, мамлакатда ишбилармонлик фаоллигини оширишга хизмат қилади. Давлат раҳбари томонидан билдирилган энг долзарб муаммоларни ҳал этишнинг еттита муҳим йўналиши ва қатор янги ташаббусларни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Бундай мулоқотни ривожлантириш ташаббусини тўла қўллаб-қувватлаш зарур. Зеро, тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотлар доирасида кўплаб ечимларни топиш мумкин.

Европа бизнес ҳамжамияти бугунги кунда Ўзбекистонда бизнес юритишни осонлаштирадиган ислоҳотларни диққат билан кузатиб бормоқда.

Ишбилармонлик фаоллигини ошириш, инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш тадбиркорларнинг муваффақиятига боғлиқ. Умуман олганда, бу омиллар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонлик тадбиркорларга каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламан.

**«Дунё» АА.**

### Ҳамкорлик

# Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили билан учрашув

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги тайинланган махсус вакили Тери Ҳакалани қабул қилди.*

Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, шунингдек, таълим ва экология соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, шу жумладан, парламентлараро алоқаларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи парламент ҳамкорлик қўмитаси доирасида самарали алоқаларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Айтиш жоизки, унинг 15-мажлиси шу йил ноябрь ойида ўтказилиши режалаштирилган.

Тери Ҳакала Ўзбекистон халқини давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан самимий қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси Преференциялар бош тизими плюс ("GSP+") доирасида бенефициар мамлакат мақомини олганини мамнуният билан қайд этди. Бу эса ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда муҳим босқич ҳисобланади.

Учрашувда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим лойиҳаси бўйича ишлар якунланишидан томонлар манфаатдор эканлиги билдирилди. Шунингдек, истиқболдаги тадбирларни юқори савияда ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Мулоқот чоғида халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Тери Ҳакала билан учрашди.*

Учрашувда халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, радикаллашувга қарши кураш, парламент ролини кучайтириш ва фуқаролик жамиятининг имкониятларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Тери Ҳакала Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг муваффақиятли ривожини, хусусан, кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида янги битим тузиш бўйича олиб борилаётган музокараларни юқори баҳолади. Турли соҳалардаги ўзгаришлар, жамиятни модернизациялаш жараёнлари натижасида бугунги кунда Ўзбекистон парламентининг роли тобора ошиб бораётганини эътироф этди.

— Ўзбекистон Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда сезиларли ютуқларга эришмоқда. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий боғлиқлиги бўйича халқаро конференция, шунингдек, Туркманистонда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви сўзимнинг исботидир, — деди Т. Ҳакала. — Инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва бошқа қатор соҳаларда ислоҳотлар изчил олиб борилаётир, давлатингиз оқилона қарорлари туфайли ҳар томонлама ривожланиш йўлида. Таъкидлашим жоизки, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жадал ривожланаётган Ўзбекистон Европа Иттифоқи учун муҳим шерик ҳисобланади.

Мулоқот чоғида Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият, минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ташаббуслар, Ўзбекистон — ЕИ парламентлараро конструктив мулоқотини янада ривожлантириш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўз навбатида, ЕИнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили келгуси йилда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти, шунингдек, ёшлар минтақавий форумини ўтказиш таклифини билдирди.

Суҳбат якунида Ўзбекистон — Европа Иттифоқи Парламент ҳамкорлик қўмитасининг навбатдаги мажлисини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

# Сайлов жараёнида эпидемиологик вазият қандай назоратга олинади?

*Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида бўлиб ўтган ва МСК Раиси З. Низомхўжаев олиб борган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш, мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш, оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.*

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда Коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш масаласи муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, мазкур йўриқномада сайлов округлари ва участкаларида, овоз бериш хоналарида сайлов комиссияси аъзолари, сайловчилар, кузатувчилар ва ОАВ вакиллари учун карантин қоидаларига риоя қилиш талаблари акс эттирилган. Округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларнинг кириш қисмида ва овоз бериш хонасида ижтимоий масофани сақлаш учун 1,5-2 метр оралиқ масофани белгиловчи ҳамда ҳаракатланиш йўналишини кўрсатувчи чизиқлар бўлиши лозим.

Округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларга камида бир нафар тиббиёт ходими бириктирилади. Сайлов округи ҳудудида эпидемиологик вазиятнинг кунлик таҳлили Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳудудий бошқармалари томонидан олиб борилади.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Сайлов кодексининг 10, 14 ва 16-моддаларига мувофиқ ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш ҳақидаги тақдимномасига асосан хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларимиз ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 54 та сайлов участкаси тузилади.

Шунингдек, тадбирда оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги МСК қарорига биноан, маҳаллий ОАВ вакилларидан уч нафари рўйхатдан ўтказилди. Қайд этиш жоиз, шу кунга қадар аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ОАВ вакиллари сони 757, хорижий ОАВ вакиллари сони 48 нафарни ташкил этмоқда.

Мажлис сўнгида кун тартибига киритилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шундан сўнг, ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани уюштирилди. Унда мажлисда кўриб чиқилган масалалар, бу борада амалга оширилаётган ишлар бўйича журналистларга батафсил маълумот берилди.

Мутахассислар таъкидлаганидек, округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларга бириктирилган тиббиёт ходимлари сайлов комиссиялари биноларининг кириш қисмида ташриф буюрувчиларнинг тана ҳароратини ўлчаб, антисептик восита билан қўлларини дезинфекциялайди ҳамда ҳимоя ниқобида бўлишини назорат қилади.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган савол-ларга мутахассислардан батафсил жавоб олди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҚАЙ ҲОЛАТДА?

*Кеча Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ҳамда Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.*

## Гендер тенглик

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борган йиғилишда сўнгги уч ойда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Хусусан, Сенат қарори билан 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси ва унинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилиб, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. 14 та ҳудудда Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари очилди.

"Аёллар дафтари"га киритилган ва тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 68 минг 281 нафар хотин-қизга 837 миллиард 931 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағи ажратилиб, улар бандлиги таъминланди. Тор соҳа шифокорларини жалб қилган ҳолда 5 минг 818 та тиббий бригада тузилиб, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган 43 минг 779 нафар хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди.

Шунингдек, соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, қатор камчиликлар ҳам борлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда Бош прокуратура, Ички ишлар ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари мутасаддиларининг ахборотлари эшитилди.

Тадбирда қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш амалиёти кенг тарқалган ҳудудларни аниқлаш мақсадида республиканинг 6 минг 974 та маҳалласида ижтимоий сўров ўтказилганлиги қайд этилди. Шу асосда ҳар бир туман ва шаҳардаги "Ота-оналар университети"-да қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари мавзуида ўқув машғулотлари ўтказиш йўлга қўйилган.

Гендер тенгликни таъминлаш стратегиясида хотин-қизларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, уларнинг инновацион ғоялари, ихтирочилик, рационализаторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 31 мингдан зиёд илмий ходимлар тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти билан шуғулланган бўлса, уларнинг қарийб 40 фоизини аёллар ташкил этган.

Ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлашда "аёллар дафтари" тизими яхши самара бераётганлиги қайд этилди. Жумладан, ўтган ярим йилликда "аёллар дафтари"даги ижтимоий ҳимояга муҳтож 251 минг 300 нафардан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган. Бундан ташқари, 6 ой мобайнида 78,5 минг хотин-қиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган.

Шунингдек, мамлакатда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича 15 та "Ишга марҳамат" мономаркази, 30 та касб-ҳунарга ўқитиш маркази ҳамда 136 та маҳаллада касб-ҳунарга ўқитиш маскани ташкил этилиб, жами 134 минг ишсиз хотин-қиз 10 дан ортиқ касбларга ўқитилган.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА НИМАЛАР ТЎСИҚ БЎЛМОҚДА?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистонда экологик таълимнинг долзарб масалалари" мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил қилинди.*

Қайд этилганидек, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, табиат ҳақидаги билим ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, баркамол авлод вояга етишида атроф-муҳитнинг тозалиги, мусаффолиги нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини кенг тарғиб қилиш долзарб масала ҳисобланади. Зеро, экологик таълим-тарбия табиат ва жамият ўртасидаги узвийликни таъминлаш, табиий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, ахборот-методик адабиётларнинг етишмаслиги, экологик лагерлар, экспедициялар, ҳаракатлар ва ёшларни экологик тарбиялаш бўйича бошқа амалий чора-тадбирларнинг мақсадли молиявий таъминланмагани экологик таълим мақсадларига эришиш учун тўсиқ бўлаётгани айтилиб, аҳолининг экологик саводхонлигини юксалтиришда давлат органлари ҳамда таълим муассасалари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш таклифи айтилди.

Якунда узлуксиз экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилиб, тегишли тавсиялар қабул қилинди.

# ҲУДУДЛАР РИВОЖИДА ЭКОТУРИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ

*Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси томонидан "Ҳудудларни ривожлантиришда экотуризмнинг аҳамияти: халқаро ва миллий тажриба" мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференцияда туризм — дунё иқтисодиётининг энг сердаромад соҳаларидан бири экани қайд этилди.*

Бугунги кунда аксарият давлатлар сайёҳликни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда ва бу, ўз навбатида, нафақат иқтисодиётни юксалтириш, балки янги иш ўринларини ташкил қилиш, мамлакатни дунёга танитишда муҳим омил бўлаётир.

Экотуризмнинг ривожланиши нафақат табиатни муҳофаза қилиш, сайёҳларни юртимизнинг сўлим гўшаларига жалб этиш, балки иқтисодий шароитни яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Иштирокчиларнинг фикрича, экотуризм ва унинг ривожи ўрганилаётган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий шароитига боғлиқ бўлибгина қолмай, шу минтақанинг табиий шароитига, унда экотуристик объектларнинг мавжудлигига ва уларнинг географик ўрнига ҳам боғлиқ.

Экологик партия фракцияси аъзолари соҳага оид қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлашда муаммолар борлигини қайд этиб, мамлакатимиздаги мавжуд экотуризм ҳудудларини қайта кўриб чиқиш ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

# ЎЗБЕКИСТОН — БАА БИЗНЕС ФОРУМИ

*Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёт вазири Абдулла бин Тук ал-Марри бошчилигидаги ушбу мамлакат делегацияси Ўзбекистонда бўлиб турибди. Ташриф давомида делегация таркибида келган БАА вазирлик ва компаниялари вакиллари пойтахтимизда бўлиб ўтган қатор тадбирларда иштирок этди.*

Жумладан, Ўзбекистон — БАА бизнес форуми икки мамлакат иқтисодий салоҳияти ва кўп қиррали ҳамкорлигини намоён этди.

Форумда икки мамлакат бизнес ҳамжамияти вакиллари Ўзбекистонда қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ўзаро манфаатли савдо битимларини тузиш имкониятларини муҳокама қилди.

Тадбирда БАА делегациясига иқтисодиёт вазири Абдуллоҳ бин Тук ал-Марри, Ўзбекистон делегациясига Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов бошчилик қилди.

Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик истиқболлари, хусусан, қўшма инвестиция лойиҳаларини кўпайтириш ва узоқ муддатли савдо алоқаларини ўрнатишнинг ишончли динамикаси қайд этилди.

Тадбир дастури доирасида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, тоғ-кон саноати, электротехника, фармацевтика, заргарлик ва бошқа соҳалардаги сармоявий салоҳиятига бағишланган тақдимотлар бўлиб ўтди.

Форум доирасида ўтган "B2B" ва "G2B" учрашувлари икки мамлакат бизнес вакилларига ўзаро фикр ва лойиҳа таклифларини алмашиш, ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш ва аниқ келишувларга эришиш учун платформа бўлиб хизмат қилди.

Тадбир якунлари бўйича икки томонлама келишувлар, жумладан, Ўзбекистон — БАА бизнес кенгашини тузиш тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикасининг "World Logistics Passport" халқаро савдога кўмаклашиш дастурига қўшилиш тўғрисида келишув, "E20 Investments Лтд" инвестицион корхонаси ўртасида Ўзбекистонда гилос етиштиришни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш юзасидан битимга эришилди.

Шунингдек, Ўзбекистон томонидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги раҳбарияти ва БАА томонидан Абу-Даби Иқтисодий ривожланиш департаменти ўртасида Иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

**Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎзА мухбири.**

### Сўз эркинлиги ва рақамлаштириш:

# ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан сўз эркинлиги ва рақамлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган тадбир ўтказилди.*

## Тадбир

Унда рақамли инновациялар соҳасида эришилган ютуқларга тўхталинар экан, 2020-2021 йилларда АКТ йўналишидаги 12,5 миллиард сўмлик йигирмата лойиҳа, "2020 йилга энг яхши 20 та стартап лойиҳалар" танлови натижаларига кўра эса энг истиқболли 12 та лойиҳа молиялаштирилгани қайд этилди.

Шунингдек, иқтидорли ёшларнинг инновацион билимларини ошириш, лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда тижоратлаштириш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган "Technoways" технологик ривожланиш марафонида энг истиқболли деб топилган АКТ соҳасидаги 30 та лойиҳа 570 миллион сўм миқдорида молиялаштирилган.

Шу билан бирга, АКТ йўналишида 24 нафар илмий даражали кадр тайёрланиб, ҳозирда 230 дан зиёд изланувчилар илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланмоқда. Ўз навбатида, АКТ йўналишидаги 10 миллиард сўмлик 14 та стартап лойиҳа молиялаштирилди.

Анжуманда юртимизда сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини, одамлар ўз қарашларини очиқ-ошкора ифода этишини амалда таъминлаш учун барча шарт-шароит яратилгани таъкидланди ва соҳада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИНИНГ ПОК НОМЛАРИ ОҚЛАНДИ

*Мустақиллик йилларида тарихий адолатни тиклаш, мустабид тузум даврида ноҳақ айбланган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноғу азобларга дучор қилинган ва ҳаётдан мосуво этилган аждодларимизнинг номини оқлаш, хотирасига муносиб ҳурмат бажо келтириш йўлида бекиёс ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар, айниқса, охирги беш йилда янада кенг қулоч ёзди.*

## Очиқ суд

Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги фармойиши бу борадаги ишларга янгича суръат бағишлади. Зеро, ушбу ҳужжат асосида қатағон қурбонлари меросини чуқур ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Республика ишчи гуруҳи ва қатағон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Шу тариқа қатағон қурбонлари номларини аниқлаш бўйича изланишлар кўламини кенгайтириш учун масъулларга вазирлик ва идораларнинг идоравий архивларидан фойдаланиш имконияти яратиб берилди. Пировардида илмий тадқиқот ишлари жараёнида аниқланган, айрим сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонлари номларини оқлаш юзасидан таклифлар киритилди ҳамда ушбу масала кўриб чиқиш учун Республика ишчи гуруҳига юборилди.

Олий суд томонидан ҳам ушбу йўналишда бир қатор ишлар бажарилган, хусусан, Олий суд раисининг 2021 йил 9 февралдаги фармойишига биноан, муайян сабабга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонлари номларини оқлаш ва улар хотирасини абадийлаштириш масалалари бўйича ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, бу тузилма томонидан муайян ишлар рўёбга чиқариб келинаётир.

Шундай қилиб, 2021 йил 24 февралда Олий судга 115 нафар шахсга доир 6 та жиноят иши келиб тушган ва улар ишчи гуруҳи томонидан ўрганилган.

Кеча ушбу жиноят ишлари Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимов раислигида ўтказилган очиқ суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур жиноят ишларида суд мажлиси баённомаси ёки суд ҳужжатлари (ҳукм ёки бошқа қарор) мавжуд эмас, уларда фақат ОГПУнинг учлик мажлиси баённомасидан кўчирмагина бор, холос. Масалан, Носирхон тўра ва бошқаларга оид (92 нафар шахсга нисбатан) жиноят иши юзасидан ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. 1930 йил 27 октябрдаги суддан ташқари ОГПУнинг учлик мажлиси баённомаси кўчирмасига кўра, бир гуруҳ истиқлол фидойилари отувга ҳукм қилинган бўлса, бошқалари турли йилларга озодликдан маҳрум этилиб, концлагерларга жўнатилади.

Иброҳимбек қўрбошининг Ватан озодлиги йўлида чеккан заҳматлари тарихдан маълум. Ўша даврдаёқ унинг обрўйси шунчалик юқори бўлганки, ҳатто босқинчиларнинг ўзлари ҳам эътироф этишга мажбур бўлган. Аммо ўша давр суд маҳкамаси унинг ана шу обрўсидан чўчиган бўлса керакки, унга доир жиноят ишларида сохтакорликларга онгли равишда йўл қўяди.

Иброҳимбек Чакабаев ва бошқаларга оид (16 нафар шахсга нисбатан) жиноят ишига доир ОГПУнинг 1932 йил 13 апрелдаги баённомасидан кўчирма бор, аммо ушбу маҳкаманинг ҳукми мавжуд эмас.

1932 йил 13 апрелда Иброҳимбек ва бошқа бир гуруҳ юртдошларимизга доир жиноят иши ОГПУ томонидан кўриб чиқилиб, отиб ўлдириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Суд мажлисида Терегулов Осман Игматулович ва бошқаларга (4 нафар шахсга нисбатан), Латиф Даминовга, Гафур Султановга, Кивам Кирамовга оид жиноят ишлари ҳам кўриб чиқилди.

Қатағон машинаси ушбу юртдошларимизнинг айримларини отувга, яна бирларини эса турли йилларга концлагерларга маҳкум этган.

— Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда тарихий ҳақиқат қарор топяпти, — дейди Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, республика ишчи гуруҳи аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Бахтиёр Ҳасанов. — Бугун суд мажлиси жараёнида ҳам буни кузатдик. Ватан озодлиги ва равнақи йўлида жонини берган бир гуруҳ юртдошларимиз, мана, бугун оқланди. Аслида, ушбу эзгу ишлар бевосита Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан рўёбга чиқмоқда, десак, айни ҳақиқат. Бу борадаги эзгу ишларни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз. Истиқлол фидойиларининг пок номлари оқланиши мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини қаршилаётган халқимиз учун катта хушхабар бўлди.

Очиқ суд мажлисида келтирилган протестлар қаноатлантирилди ҳамда ЖПКнинг 83-моддасига асосан жами 6 та жиноят иши бўйича 115 нафар шахс оқланди.

Шундай қилиб, бугун адолат қарор топди, йиллар давомида юзага чиқмай келган ҳақиқат тантана қилди. Зеро, халқимиз юрт мустақиллиги ва ободлиги йўлида курашган, керак бўлса, шу йўлда жон фидо қилган аждодларимизни қалбида мангу сақлайди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).**

# 71 МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 105 ТА «ЎСИШ НУҚТАСИ»

## муаммоларни бартараф этиш билан бирга, ҳудудларни комплекс ривожлантириш имконини бермоқда

*Ташаббус, янги ғоя ва интилиш ҳаётда жуда кўп ютуқларга даъват этадиган омиллардан. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар ва ғоялар, янгича иш услублари асос бўляпти, десак, айни ҳақиқат.*

*Мисол учун, мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича мутлақо янги тизим, яъни ҳудудларни секторларга бўлиб, аҳоли муаммоларини ўрганиш механизми яратиб берилди.*

### Сектор фаолиятига бир назар

"Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга кўра, аҳоли муаммолари билан ишлаш, давлат органлари ҳамда аҳоли ўртасида шаффофликни таъминлаш борасида прокуратура органларига ҳам бир қатор вазифалар юклатилиши баробарида, вертикал бошқарув тизими жорий қилинди.

Қарор ижросини таъминлаш ва вертикал бошқарувга ўтиш мақсадида 2-сектор бўйича ташкил қилинган 74 та ишчи гуруҳи томонидан аҳоли муаммолари ўрганилиб, уларни ҳал этиш юзасидан аниқ чоралар кўриб борилаётир.

Асосийси, Президентимиз томонидан илгари сурилган маҳаллабай ишлаш тизимини фаолиятимизнинг асосий мезони қилиб белгилаб олганмиз. Бундай янгича иш тутуми фуқаролар муаммолари эътибордан четда қолмаслигини таъминлаши билан бирга, иш самарадорлигини ҳам оширяпти. Секторимизга етмишдан ортиқ маҳаллалар бириктирилган бўлса, уларнинг барчасига тезкор ходимлар жалб этилган. Улар фақат муаммоларни эмас, балки маҳалланинг иқтисодий "ўсиш нуқталари" — "драйвер"ларини ҳам аниқлашнинг уддасидан чиқмоқда.

Ўрганишлар натижасида 71 та маҳаллани ривожлантиришнинг 105 та "ўсиш нуқтаси" аниқлаб олинди. Уларнинг 32 тасида кичик ишлаб чиқариш, 16 тасида чорвачилик, 13 тасида хизмат кўрсатиш, 11 тасида деҳқончилик ва томорқа маданияти, 8 тасида боғдорчилик, 7 тасида паррандачилик, 5 тасида иссиқхона ҳамда ҳунармандчилик, 2 тасида асаларичилик асосий тармоқлар, деб белгиланди. Иш эса мана шу тизим асосида ташкил этилди.

Аҳоли муаммоларини уйма-уй юриш орқали аниқлаш, уларни бартараф қилиш ишлари доимий назоратимизда. Шу йилнинг ўтган олти ойида аҳолининг реал турмуш шароитлари ўрганилиб, 468 та муаммо аниқланди. Уларнинг 270 тасига ечим топилган бўлса, қолганлари бўйича ҳам зарур чоралар кўриляпти. Жумладан, кўплаб фуқароларнинг уй-жой, суюлтирилган газ, табиий газ, кўмир, бандлик ва бошқа соҳалардаги масалалари ижобий ҳал этилди.

Элликта хонадон электр энергияси, ўттиздан ортиғи ичимлик суви билан таъминланди, мингга яқин оилаларга малакали тиббий хизмат кўрсатилган бўлса, 840 нафардан зиёд болажонлар мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган юзга яқин фуқароларга банк кредитлари ажратилди, яна кўплаб оила ва фуқароларга моддий ёрдам тайинланди.

Шу билан бирга, 2-сектор ҳудудидаги мавжуд ижтимоий объектлар, кўп қаватли уйлар, бинолар ва иншоотлар, кўча ҳамда бошқа объектларнинг ҳолати ўрганилиб, аниқланган муаммолар зудлик билан ҳал этилди.

### Прокурор ва ёшлар учрашуви — очиқ мулоқот майдони

Юртимиз келажаги бугунги ёшлар қўлида. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу боис мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратиляпти.

Биз ҳам секторларга бириктирилган маҳаллаларда ёшлар билан учрашиб, улар билан юзма-юз мулоқотлар олиб боряпмиз.

Бу нима беряпти? Аввало, уларнинг дарди, орзу-истаклари, қизиқишларини аниқлаяпмиз. Шу орқали уларни фойдали меҳнатга ёки иш билан банд этиш имконияти яратиляпти.

Рақамларга тўхталсак, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида вилоят иккинчи секторида "Прокурор ва ёшлар" мавзуида ўтказилган юзлаб учрашувларда минглаб йигит-қизлар иштирок этди. Улар билан бевосита очиқ мулоқотларга киришдик. Бу эса ёшларнинг тадбиркорликка, билим олишга бўлган қизиқиш ҳамда кўникмаларини мустаҳкамлаяпти.

Биргина мазкур мулоқотлар давомида ёшлар томонидан 750 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 326 таси қаноатлантирилиб, қолган қисмига зарур ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Хусусан, шундай учрашувларда 78 нафар йигит-қизнинг бандлик борасидаги мурожаатлари кўриб чиқилиб, уларнинг барчаси ижобий ҳал қилинди.

Имтиёзли кредит ажратиш масаласида 115 нафар йигит-қизнинг мурожаатлари асосида уларга жами 570 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 283 нафар ёшга 181 гектар ер майдонлари ажратилиши таъминланди, 8 нафар ёшга ногиронлик аравачалари берилди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### Беш муҳим ташаббус ижроси доимий эътиборда

Давлат раҳбари томонидан ўтказилган видеоселекторда илгари сурилган эртамиз эгалари маънавиятини юксалтириш ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш муҳим ташаббус ижроси 2-сектор ҳудудида доимий назоратга олинган.

Жумладан, мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш борасида жами 218 маротаба маданий-маърифий тадбир ўтказилиб, уларга жами 9 минг 475 нафар йигит-қиз жалб қилинган.

Мазкур йўналишда ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқишини янада юксалтириш ва бу борада уларга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида таълим муассасаларига сектор раҳбарлари томонидан 200 дан ортиқ турли мусиқа ва чолғу, рассомлик ва бошқа турдаги анжомлар етказиб берилди. Шунингдек, тегишли умумтаълим мактабларида ушбу йўналишда 60 дан ортиқ тўгараклар фаолияти қайта йўлга қўйилиб, уларга 300 га яқин ёшларнинг жалб қилиниши таъминланди.



Навқирон авлодни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш йўналишида турли спорт тадбирлари ўтказилиши мунтазамлик касб этмоқда. Бевосита прокурорлар ташаббуси билан миллий кураш бўйича мамлакат чемпионати, Мирзачўл ва Ғаллаорол туманларида "Прокурор кубоги" мусобақалари уюштирилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ҳам доимий эътиборимизда. Хусусан, секторлар ҳудудларида алоҳида обрў-эътиборга эга бўлган ёзувчи ва шоирлар иштирокида "Мен севган шоир", "Мен севган ёзувчи", "Мен севган асар" каби мавзуларда ўтказилаётган китобхонлик тадбирларида йигит-қизлар фаол иштирок этаётгани таҳсинга сазовордир.

Яна бир гап. Мазкур йўналишда секторлар ҳудудларидаги умумтаълим мактабларида юзга яқин китобхонлик тўгараклари очилди. Вилоятдаги ўнлаб кутубхоналарга прокурорлар томонидан турли номдаги бадиий китоблар тақдим этилди. Айни чоғда элликка яқин маҳаллаларда QR-кодли "электрон кутубхона"лар ташкил қилингани ёшлар ҳаётида унутилмас воқеага айланди.

### Имкониятлар дафтари

Вилоятдаги иккинчи сектор ҳудудида яшовчи ёшлар ва аёллар билан индивидуал суҳбатлар амалга оширилиб, тўлиқ хатловдан ўтказилди ва улардан анкета сўровномалари олинди. Улар асосида 3 минг 322 нафар эҳтиёжманд "ёшлар дафтари" ва 7 минг 742 нафар хотин-қиз "аёллар дафтари"га киритилган эди.

Шу ўринда дафтарларга киритилганлар ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй беряпти, деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Дафтарга киритилган ёшлар рўйхати "daftar.mehnat.uz" платформасида шакллантирилиб, шу кунга қадар 3 минг 293 нафар навқирон авлод вакилларининг муаммолари ҳал этилди ва дафтардан чиқарилди. Бу, албатта, фойдали меҳнатга жалб қилиш ҳисобидан ана шундай натижаларга эришилди. Яъни мингдан зиёд ишсиз доимий ишга жойлаштирилди, яна аксариятининг бизнес ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, кредитлар ажратилди, тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашилди, касб-ҳунарга ўқитилди. Хоҳишига қараб уларга экин майдонлари ажратилди, "Устоз — шогирд" анъанаси асосида уста ҳунармандларга бириктирилди. Улар орасидан эса йигирма нафарига тўлов-шартнома пуллари тўлаб берилди.

Масалан, Дўстлик туманида яшовчи ва дафтарда турувчи 16 нафар ёшга Қаҳрамон маҳалласи ҳудудида фойдаланилмасдан турган ер майдонидан 0,3 гектардан ажратилиб, иссиқхона ташкил этилди. Шунингдек, Дилшод Тўхтаев, Фарида Абдуллаева сингари ўнга яқин ташаббускор ёшларга тикувчилик, қандолатчилик, сунъий қопламали стадион қуриш йўналишлари учун тижорат банклари томонидан 373 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилиши таъминланди.

Шу билан бирга, Дўстлик туманининг "Чинобод" МФЙ ҳудудида яшовчи О. Ҳасанованинг мурожаати бўйича унга банк томонидан 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада тадбиркор томонидан пахтани қайта ишлаш цехи ташкил қилиниб, 2 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ўз самарасини бераётир.

Жорий йилнинг 2-чораги давомида дафтарга киритилганларнинг қарийб барчасининг муаммолари ҳал этилди. Жумладан, уч минг нафардан зиёд хотин-қизлар турли йўналишлар бўйича ишга жойлаштирилди, 366 нафари касбга ўқитилди. Кўплаб хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит олишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Мисол учун, Дўстлик тумани прокурорининг бевосита амалий кўмаги натижасида 2-сектор ҳудудига кирувчи Қаҳрамон маҳалласидаги ўта ташландиқ ҳолга келиб қолган бино ташаббускор тадбиркор А. Бакировга олиб берилди ва унга 700 миллион сўм кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада тадбиркор томонидан "Qahramon Gold Tekstil" МЧЖ ташкил этилиб, ҳудуддаги саксон нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, Пахтакор тумани прокурорининг амалий ёрдами билан ҳудуддаги "Пахтакор барака чеварлари" МЧЖга бўш турган 0,47 гектар ер майдони белгиланган тартибда ажратиб берилиб, қўшимча 230 та иш ўрни яратиш ва аёллар бандлигини таъминлаш бўйича амалий иш олиб борилмоқда.



### Ижтимоий ҳимоя — устувор масала

2-сектор ҳудудларидаги маҳаллаларда яшовчи эҳтиёжманд оилалар доимий эътиборимизда. Хусусан, боқувчисини йўқотган 512 нафар аёлнинг муаммолари ҳал этилди, 67 нафар ногиронлиги бор хотин-қизнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди, қарамоғида бир ва ундан ортиқ ногиронлиги бўлган фарзандлари бор юзга яқин аёлларга бир марталик моддий ёрдам пуллари тўланди.

Эътиборлиси, 2-сектор ҳудудларидаги 71 та маҳалланинг ҳар бирида Аёллар маслаҳат кенгашлари ташкил қилиниб, белгиланган тартибда тўлиқ жиҳозланиши таъминланди. Ҳозир ушбу кенгашлар орқали 75 нафар аёлга психологик ёрдамлар кўрсатилди.

Яна бир жиҳат, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, "темир дафтар"га киритилган оилаларнинг даромад манбасини яратишда кўмаклашишга алоҳида аҳамият берилаётир.

Хусусан, амалга оширилаётган чора-тадбирларга мувофиқ 2-секторда рўйхатга олинган 2 минг 460 та оилага 352 миллион 316 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди. Шунингдек, юзлаб оилаларга нақд пул шаклида моддий ёрдам кўрсатилди, коммунал тўловлардан қарзи тўлаб берилди, дори-дармон ва тиббий буюмлар билан бепул таъминланди. Бундан ташқари, 318 та оилага 1 миллиард 251 миллион сўмлик бошқа турдаги амалий ёрдамлар кўрсатилди.

"Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида нафақат эҳтиёжманд фуқароларга ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш, балки аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, шу йилнинг ўтган даври давомида 4 минг 540 та эҳтиёжманд оиланинг 5 минг 886 нафар меҳнатга лаёқатли, лекин ишсиз аъзолари иш билан таъминланишига эришилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, секторлар ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш орқали ўз даромадини ошириш истагидаги "темир дафтар"га киритилган 177 та эҳтиёжманд оилага "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида жами 1 миллиард 781 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида секторлар ҳудудида "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида алоҳида тармоқларга ихтисослаштирилган маҳаллалар, кўчалар ташкил этилиши учун имкон яратилди.

Умуман, бугунги прокуратура тизими кечагисидан тубдан фарқ қилади. Нега деганда, ҳозирги пайтда ушбу тузилма масъуллари халқ орасида, улар билан очиқ мулоқотларга киришиб, муаммоларни ҳал этиш чораларини кўряпти. Бу эса одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаши баробарида, уларга янги ҳаёт бахш этаётгани билан эътиборга молик. Ўз навбатида, бу, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойил ўзини тўла оқлаётганининг тасдиғидир.

**Исломжон ЭРГАШХЎЖАЕВ,**
**Жиззах вилояти прокурори.**


## ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

### Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

*Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Жиззах вилоятининг Зомин, Янгиобод туманларида (1-лот) маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳаси юзасидан бир босқичли тендер бошланганлигини эълон қилади.*

Тендерда иштирок этиш учун аризалар, дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари ҳамда техникавий ва тижорий (молиявий) таклифларни ёпиқ конвертда, муҳрланган, лойиҳа номи кўрсатилган ҳамда Маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссиясига деб ёзилган ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига, шунингдек, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига ариза нусхаси (иловаларисиз), **2021 йилнинг 27 сентябрь куни соат 18.00 га** (Тошкент вақти билан) қадар тақдим этилиши шарт.

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ, бир босқичли тендерда битим тузиш ҳуқуқи бўйича ғолибни аниқлаш учун талабгорларнинг тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тасдиқланган лойиҳа концепцияси ҳақида Давлат экология қўмитасининг **eco.gov.uz** ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг **pppda.uz** расмий веб-сайтларидан ёки қуйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин.

**Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уй.**
**Телефонлар: 71-207-07-70 (1072#), 99-409-70-02.**

### Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

*Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Андижон вилоятида 7 та, жумладан, Андижон шаҳри, Асака, Олтинкўл ва Андижон туманлари (1-лот), Жалақудуқ тумани (2-лот), Улуғнор ва Балиқчи туманлари (3-лот), Қўрғонтепа тумани (4-лот), Марҳамат ва Булоқбоши туманлари (5-лот), Избоскан, Пахтаобод ва Хўжаобод туманлари (6-лот), Шаҳрихон ва Бўстон туманлари (7-лот), Жиззах вилоятида Ғаллаорол ва Бахмал туманлари (1-лот), Шароф Рашидов, Зарбдор туманлари ва Жиззах шаҳри (2-лот), Сурхондарё вилоятида Узун ва Сариосиё туманлари (1-лот), Бандихон ва Қизириқ туманлари (2-лот), Музработ тумани (3-лот), Қорақалпоғистон Республикасида Нукус, Тахиатош ва Хўжайли туманлари (1-лот) маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳаси юзасидан икки босқичли тендернинг биринчи босқичи бошланганлигини эълон қилади.*

Тендерда иштирок этиш учун аризалар ҳамда дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари ёпиқ конвертда, муҳрланган, лойиҳа номи кўрсатилган ва Маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссиясига деб ёзилган ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига, шунингдек, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига ариза нусхаси (иловаларисиз), **2021 йилнинг 27 сентябрь куни соат 18.00 га** (Тошкент вақти билан) қадар тақдим этилиши шарт.

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ, икки босқичли тендернинг биринчи босқичида дастлабки малакани аниқлаш учун талабгорларнинг тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тасдиқланган лойиҳа концепцияси ҳақида Давлат экология қўмитасининг **eco.gov.uz** ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг **pppda.uz** расмий веб-сайтларидан ёки қуйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин.

**Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уй.**
**Телефонлар: 71-207-07-70 (1072#), 99-409-70-02.**

## E'LON

### Tender №KM-18 o'tkazish to'g'risida

MAHSULOTNING NARXI VA TAVSIFI

«Toshkent shahridagi yer usti halqasimon metro liniyasini qurish» loyihasi doirasida «Eskalator, lift va turniketlarni» sotib olish bo'yicha tender o'tkaziladi.

Xarid qilinayotgan ob'yekt uchun boshlang'ich baho tender hujjatining narxlar qismida ko'rsatilgan.

Moliyalashtirish manbasi — «O'zbekiston Respublikasining byudjet mablag'lari».

TENDER O'TKAZILADIGAN JOYNING MANZILI

O'zbekiston Respublikasi, Toshktent shahri, 100060, Mirobod tumani, T. Shevchenko ko'chasi, 7, «O'zbekiston temir yo'llari» AJ.

TENDER ISHTIROKCHILARI UCHUN TALABLAR

Tenderda ushbu xizmatlarni taqdim etish uchun tegishli sertifikatlar va litsenziyaga ega xorijiy yetkazib beruvchilar ishtirok etishi mumkin.

Tenderda ishtirok etishni istagan yetkazib beruvchilar mijozga yozma ravishda xabar berishlari kerak (xat rasmiy blank shaklda quyida ko'rsatilgan elektron manzillarga yuborilishi kerak).

BUYURTMACHI VA LOTLAR HAQIDA MA'LUMOT

Buyurtmachi nomi: Kapital qurilish direksiyasi, «O'zbekiston temir yo'llari».
TIN (ИНН): 202342708.
Buyurtmachi manzili: O'zbekiston Respublikasi, Toshktent shahri, 100060, Mirobod tumani, T. Shevchenko ko'chasi,7, «O'zbekiston temir yo'llari» AJ.
Boshlanish sanasi: 2021-yil 24-avgust.
Tugatilish sanasi: 2021-yil 10-sentabr.
Takliflarni taqdim etishning oxirgi kuni: 2021-yil 10-sentabr, soat 11:19 gacha (Toshkent shahri vaqti bilan).
Takliflarni taqdim etish manzili: O'zbekiston Respublikasi, Toshktent shahri, 100060, Mirobod tumani, Amur Temur shohko'chasi, 4, Loyihalarni amalga oshirish guruhi, «O'zbekiston temir yo'llari» AJ.
Aloqa bo'limi: Tel.: (90) 985 26 62; (71) 237 84 94.
e-mail: tendernoks@gmail.com
Qiziqish bildirgan tomonlar tanlov hujjatini maxsus axborot portali (http://dxarid.uzex.uz/ru/tender2/lot/7142726/) orqali yuklab olishlari yoki buyurtmachiga yozma shaklda (firma blankida) murojaat qilib olishlari mumkin (xatning skaner qilingan shakli ko'rsatilgan elektron manzilga yuborilishi kerak).
DIQQAT: hujjatlari tender hujjatlariga muvofiq tikilmagan qatnashchilar dasturdan chetlatiladi.

## E'LON

### Tender №KM-22 o'tkazish to'g'risida

MAHSULOTNING NARXI VA TAVSIFI

«Toshkent shahridagi yer usti halqasimon metro liniyasini qurish» loyihasi doirasida «TPP va PP podstansiyasini» sotib olish bo'yicha tender o'tkaziladi.

Xarid qilinayotgan ob'yekt uchun boshlang'ich baho tender hujjatining narxlar qismida ko'rsatilgan.

Moliyalashtirish manbasi — O'zbekiston Respublikasining byudjet mablag'lari.

TENDER O'TKAZILADIGAN JOYNING MANZILI

O'zbekiston Respublikasi, Toshktent shahri, 100060, Mirobod tumani, T. Shevchenko ko'chasi. 7, «O'zbekiston temir yo'llari» AJ.

TENDER ISHTIROKCHILARI UCHUN TALABLAR

Tenderda ushbu xizmatlarni taqdim etish uchun tegishli sertifikatlar va litsenziyaga ega xorijiy yetkazib beruvchilar ishtirok etishi mumkin.

Tenderda ishtirok etishni istagan yetkazib beruvchilar mijozga yozma ravishda xabar berishlari kerak (xat rasmiy blank shaklda quyida ko'rsatilgan elektron manzillarga yuborilishi kerak).

BUYURTMACHI VA LOTLAR HAQIDA MA'LUMOT

Buyurtmachi nomi: Kapital qurilish direksiyasi, «O'zbekiston temir yo'llari» AJ.
TIN (ИНН): 202342708.
Buyurtmachi manzili: O'zbekiston Respublikasi, Toshktent shahri, 100060, Mirobod tumani, T.Shevchenko ko'chasi, 7, «O'zbekiston temir yo'llari» AJ.
Boshlanish sanasi: 2021-yil 24-avgust.
Tugatilish sanasi: 2021-yil 10-sentabr.
Takliflarni taqdim etishning oxirgi kuni: 2021-yil 10-sentabr, soat 14:39 gacha (Toshkent shahri vaqti bilan).
Takliflarni taqdim etish manzili: O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, 100060, Mirobod tumani, Amur Temur shohko'chasi, 4, Loyihalarni amalga oshirish guruhi, «O'zbekiston temir yo'llari» AJ.
Aloqa bo'limi: Tel: +(90) 985 26 62; (71) 237 84 94.
e-mail: tendernoks@gmail.com
Qiziqish bildirgan tomonlar tanlov hujjatini maxsus axborot portali (http://dxarid.uzex.uz/ru/tender2/lot/7142781/) orqali yuklab olishlari yoki buyurtmachiga yozma shaklda (firma blankida) murojaat qilib olishlari mumkin (xatning skaner qilingan shakli ko'rsatilgan elektron manzilga yuborilishi kerak).
DIQQAT: hujjatlari tender hujjatlariga muvofiq tikilmagan qatnashchilar dasturdan chetlatiladi.


Давлат статистика қўмитаси жамоаси бошқарма бошлиғи Хуршид Жўраевга падари бузруквори **Маматқул ЖЎРАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 300 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.50 Топширилди — 04.30 1 2 3 4 5 6